

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИДА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ҮРНИ ВА РОЛИ

Аманов Н.Ф

Тошкент шаҳар Ғазначилик хизмати бошқармаси “Давлат харидларини ривожлантириши ва мониторинги” шуъбаси бошлиги, мустақил тадқиқотчи.

Янги Ўзбекистонда давлатнинг стратегик мақсадларига эришиш, барқарор ривожланиши учун йуналтирилган ислоҳотларни давлат молиясини бошқаришни такомиллаштиришга асосланган холда амалга ошириш талаб этилмоқда.

Давлат молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солик-бюджет тизимининг очиқлиги ва шаффоғлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини оширишда давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун

режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали бюджет ижросида ғазначилик тизимини ролини янада ошириш мақсадга мувоғиқ ҳисобланади.¹³

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими орқали маълумотларни жамлаш ва тахлил қилинишини яхшилаш орқали Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги хисоботларни тезкор ва сифатли шакллантириш белгиланган. Мазкур кучайтирилган молиявий назорат натижасида:

- мақроиқтисодий қўрсаткичларга ижобий таъсир қўрсатиш билан биргаликда солик-бюджет сиёсатининг барқарорлигини оширилишига;
- солик-бюджет жараёнларининг шаффоғлигини оширилиши орқали пул-кредит сиёсати буйича чора-тадбирлар самарадорлигининг оширилишига;
- тижорат банкларидан Давлат бюджети ижроси бўйича функцияларни олиниши натижасида банк тизимининг самарадорлигини оширилишига;
- ахборот сифати ва ресурслар назорати буйича харакатларни оширилиши натижасида бюджет сиёсати буйича чора-тадбирлар самарадорлигини оширилишига эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначик хизмати қўмитаси ва унинг тузилмалари томонидан Давлат молиявий

назоратининг дастлабки ва жорий назорат турлари амалга оширилади. Жумладан, бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар қўрсатувчилар) билан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларини харажатлар сметаларида қўрсатилган суммалар

¹³ Tuychiyev A.J., Toshmuxamedova D.A. G‘aznachilik. Darslik. - T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2019. - 840 b.

доирасида ҳамда белгиланган мақсадларга мувофиқ тузилганлиги устидан назорат қилиш асосида мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

харажатлар сметаларида ва рўйхатдан ўтказилган шартномаларда назарда тутилган суммалар доиравида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар номидан ҳамда уларнинг топшириги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчиларнинг ҳисобваракларига тўловларни бевосита амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя этилишини таъминлаш йўли билан амалга оширишдир.

Мамлакатимизда Ғазначилик тизими таомиллаштириш босқичларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар қуидагича акс этади.

Дастлаб, Ғазначилик тизими жорий қилингунга қадар Давлат бюджети даромадлари тижорат банклардаги транзит хисоб рақамлар орқали жамланган ва ушбу маблағларни тахлил қилиш ва ҳисобини юритишида бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлган. Ғазначилик тизимининг дастлабки босқичларида эса бюджет ташкилотларнинг юридик ва молиявий мажбуриятлари ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб (ҳисобга олиниб), тўловлар амалга оширилган. Бунда, бюджет жараёнидаги тегишли операциялар бюджет ташкилотлари томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган қофоздаги

хужжатларни Ғазначиликнинг “Treasuty”, “Ғазначилик-2”, “Ғазначилик-4”, бугунги кунда эса “ДМБАТ” дастурий мажмуаларида расмийлаштириш орқали амалга оширилмоқда.

Ушбу босқичлар давомида бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича тижорат банклардаги хисоб рақамлари ёпилиб, бюджет тизими бюджетлари бўйича барча маблағлар, шунингдек уларнинг чет эл валутасидаги маблағлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобваракига жамланди ва ахборот тизимда мос равища тегишли шахсий ғазна ҳисобваракларда юритилмоқда.

Бундан ташқари, бюджет тизими бюджетларида бухгалтерия ҳисобини электрон юритишини таъминлаш максадида, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш маркази томонидан “ЎзАСБО” (Бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими) дастурий мажмууси яратилди ва “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими” дастурий мажмууси ва бошқа ахборот тизимларига интеграция қилиниши натижасида, бюджет жараёнидаги барча ғазна операциялари электронлаштирилди, яъни ғазначилик органларига фақат электрон хужжатларни автоматтарзда расмийлаштириш имкониятлари яратилди. Бунинг натижасида, бюджет тизимида, жумладан, ғазначиликда инсон омили қатнашиши камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффоғлигини ҳамда фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганлиги, шу жумладан Давлат бюджети

Парламент томонидан Қонун сифатида кўриб чиқилиб мақулланиши, “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри чоп этилиши, Openbudget.uz ахборот портали ишга туширилиши,

Давлат бюджети ижроси туғрисидаги маълумотлар миллий ҳамда Ҳалқаро валюта жамғармасининг Давлат молиявий статистикаси (GFS) стандартлариға мувофиқ эълон қилинишига қарамасдан, Давлат молиясини бошқаришни янада такомиллаштиришни талаб этадиган бир катор йуналишлари мавжуд.¹⁴

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетининг тулиқлиги, ишончлилигини таъминлаш мақсадида консолидациялашган бюджет жараёни ва барча босқичлари ягона шаклда амалга оширилиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси.
2. “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш туғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон Қарори
3. Tuychiyev A.J., Toshmuxamedova D.A. G‘aznachilik. Darslik. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2019. - 840 b.

¹⁴ “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш туғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон Қарори